Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины – здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 30 октябрь – 5 ноябрь № 44 (560) Сешанба кунлари чиқади

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007 йил 2 октябрь № ПҚ-700

## Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ва унинг марказий аппаратининг такомиллаштирилган тузилмалари 1- ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тузилмалари 3-7-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Белгилансинки:**

вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари икки ташкилотга – тегишли ҳокимлик ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунади;

вилоят ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, шунингдек, вилоят тиббий диагностика маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари лавозимига тегишли вилоят ҳокими ёки Тошкент шаҳар ҳокими тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тайинланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказувчи доимий фаолиятдаги комиссия 8-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар аттестация комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимларини ҳар йили аттестациядан ўтказиб туриш, жумладан, уларнинг касбий тайёргарлик ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига муносиблигини баҳолаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларидаги кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш;

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 18630 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 36900 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 18630 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик иш юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 октябрь.

*Ҳайъат йиғилиши*

## ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДАГИ МАҚСАДЛАР

***Жорий йилнинг 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил 19 сентябрь куни қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мақсад-вазифаларига қаратар экан, бу борада тизим ислоҳотларини такомиллаштирилган тузилма асосида олиб бориш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишнинг янги принципиал ёндашувларини амалиётга татбиқ этиш сингари масъулиятли вазифалар мавжудлигини ўз фикрларида баён этди. Шунингдек, республика тиббиёт муассасаларида фармон ва қарор ижросини таъминлашга бағишланган устувор вазифалар, мақсадли режалар ва ислоҳотлар самараси қай даражада амалга оширилаётганлиги ҳамда давлатимиз раҳбарининг тизим фаолиятини чуқурлаштиришга қаратилган фикрлари қанчалик долзарб ва масъулиятли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартиби доирасида «Республикадаги фармакологик назоратнинг умумий ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари», «Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига Меҳнат қонунчилигида ўрнатилган имтиёз ва кафолатларнинг бажарилишига доир» масалалар кўриб чиқилди.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, Фармакология қўмитаси раиси Бахтиёр Шоисломов ўз маърузасида дори воситалари хавфсизлигини таъминлашнинг муқобил тизими – фармакологик назорат хизмати эканлиги ва бу жараёнларда ножўя таъсирларни аниқлаш, ҳисобга олиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш орқали сифатли дори воситаларини ишлаб чиқаришга эришиш самарадорлиги хусусида тўхталди.

Иккинчи масала бўйича Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова сўзга чиқиб, Меҳнат қонунчилигида кўрсатилган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида гапирар экан, бу борада тиббиёт муассасаларида меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий, иқтисодий ҳимоялаш, шунингдек, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш жойларида соғлом, хавф-хатарсиз шарт-шароитлар яратиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, аёллар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари бажарилишини таъминлаш, хотин-қизлар учун Меҳнат кодексида белгиланган имтиёзларни иш берувчилар томонидан тўлиқ бажарилиши тўғрисидаги масалаларга алоҳида урғу берди.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ибодат СОАТОВА.**

**Бизнинг расмий веб сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash

№ 44 (560)
2007 йил 30 октябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

2007 йил 2 октябрь № ПҚ-700

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ва бошқарув органлари раҳбарларининг малакаси ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда аттестация комиссияси тўғрисидаги Низомни, аттестациядан ўтказиш тартибини, шунингдек, аттестациядан ўтказиладиган соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларининг лавозимлари рўйхатини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда янги ташкил этилаётган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят диагностика маркази, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси, шунингдек, қишлоқ врачлик пункти тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, туман (шаҳар) марказий шифохоналари, шунингдек, ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказларининг марказлаштирилган бухгалтерияларини тугатиш ҳамда уларнинг негизида:

ҳудудий молия органлари тузилмасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш бўлимлари (шўъбалари)ни;

ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасасида мазкур муассасаларга юридик шахс мақомини берган ҳолда молия-бухгалтерлик хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда ҳудудий молия органлари тузилмасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш бўлимлари (шўъбалари) ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари молия-бухгалтерлик хизматлари ходимлари сонининг нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерлик хизматлари билан ҳудудий молия органлари ўртасидаги вазифалар ва мажбуриятлари тақсимотини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда тасдиқланган нормативлар асосидаги харажатлар сметаси тиббиёт муассасалари томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳамда молия органларида рўйхатга олиниши, тиббиёт муассасалари харажатларининг тўлови эса рўйхатга олинган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилиши назарда тутилсин;

тиббиёт муассасаларининг молия-бухгалтерлик хизматларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича амалий чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бўлинмалари тиббиёт муассасаларининг бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши ҳамда бюджет интизомига риоя этиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

тиббиёт муассасаларида қон, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш, сақлаш ва хавфсизлик стандартларига ҳамда аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш стандартларига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисидаги;

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган барча тиббий муолажаларни кўп маротаба қўлланилиши тақиқланган буюм ҳамда асбоблар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда бир маротабалик тиббий буюм ва асбоблардан фойдаланишга ўтказиш тўғрисидаги;

2008-2010 йилларда Гематология ва қон қуйиш институтини, қон қуйиш станцияларини, ОИТС вилоят марказларини замонавий лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан бюджет маблағлари ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари грантларини жалб этиш ҳисобидан мукаммал таъмирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилансинки, хусусий тиббиёт муассасалари қуйидаги мажбурий талаблар ва шартларни бажарган тақдирда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга:

тиббиёт муассасаси даволаш фаолиятини фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади;

диагностика ва даволаш асбоб-ускуналаридан иборат замонавий моддий-техник базанинг мавжудлиги;

муассаса штатида турган, тегишли ихтисос йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган юқори малакали врач мутахассислар диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил равишда олиб бориши;

тиббиёт муассасаси фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган бино ва хоналарда ташкил этиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни, шунингдек, тиббиёт фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин ва бунда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусий тиббиёт муассасалари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширишнинг алоҳида регламенти назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч ой муддатда янги ташкил этилаётган туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, жумладан, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, шунингдек, тиббий диагностика марказларида комплекс инвентаризация ўтказсин ва уларнинг моддий-техник базаси ҳолатини баҳоласин;

ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича 2008-2012 йилларда вилоят кўп тармоқли тиббиёт ва диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда санитария-эпидемиология хизматларини босқичма-босқич мукаммал таъмирлаш ва замонавий диагностика ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ушбу мақсадлар учун халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳамда қарзларини жалб этиш назарда тутилсин;

ташкил этилаётган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, вилоят тиббиёт диагностика марказлари, кўп тармоқли тиббиёт марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари биноларини реконструкция қилиш, уларнинг бўлинмаларини беморларга ташҳис қўйиш ва уларни даволаш технологияларига мувофиқ мақбул тарзда жойлаштирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2008-2012 йиллардаги Инвестиция дастурларига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази қошида, мавжуд майдонлардан, Марказнинг ишлаб чиқариш-техника ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, кардиохирургия бўлимини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда тиббиёт муассасаларига замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини узоқ муддат ижарага берадиган, устав капиталини шакллантириш манбалари белгиланган ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф-2658-сонли Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳнинг соғлиқни сақлаш тармоғини ва шифохоналардаги ўринлар сонини, шу жумладан, кам қувватли тиббиёт муассасаларини тугатиш ёки тегишли шифохоналарнинг бўлимларига айлантириш ҳисобига мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифи 9-иловага мувофиқ маъқуллансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

клиник ординатура орқали шифокор ходимлар малакасини ошириш ва касб маҳоратини такомиллаштиришни;

тиббиёт муассасаларининг бош шифокорлари ва уларнинг ўринбосаларини тиббиёт муассасалари менежменти бўйича қисқа муддатли махсус курсларда ўқитишни назарда тутувчи тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 18-сонли қарорининг 1-банди, 1- ва 7-иловалари;

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 октябрдаги 207-сонли қарорининг 2-иловаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. С. Қосимов ва Р. С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри.

(Давоми. Боши 1-бетда).

***Выставка***



# ГЛАВНОЕ - ЗДОРОВЬЕ МАТЕРИ И РЕБЕНКА

***Как известно, 23-25 октября текущего года в гостинице "Le Grande Plaza" состоялась Первая Национальная выставка "Мать и дитя", организованная по инициативе Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и выставочной компании Inter Tashkent Expo.***

На выставочных стендах были представлены издания, фармацевтическая продукция, игрушки и информация о медицинских клиниках, детских садах и школах.

Большое количество людей посетило выставку, и как видно, она произвела на них большое впечатление. О проведенной выставке своим мнением с нами поделились ее участники.

**Екатерина КАЧУРОВА, продукт-менеджер представительства компании Lek pharmacutical DD.**

– Выставка "Мать и дитя" действительно актуальна и интересна. Ведь здесь представлена качественная продукция и подробная информация, которая действительно необходима для семей, для молодых родителей. В свою очередь хотелось бы пожелать всем матерям и детям крепкого здоровья и конечно благополучия каждой семье.

**Елена ЕВЧЕВА, начальник отдела маркетинга фирмы "Континент детства" – товары для детей.**

– Рождение ребенка это самое счастливое событие в каждой семье. С какой любовью и трепетом домочадцы заботятся о здоровье нового гостя. И учитывая все это наша компания специализируется на выпуске одежды и игрушек для наших любимцев. Сегодня, на выставке мы желаем всем участникам проявить себя с наилучшей стороны, надеемся на дальнейшее сотрудничество и хотелось бы чтобы стало доброй традицией проведение ежегодной Национальной выставки "Мать и дитя".

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**



**ЮҚОРИДАГИ ҚАРОР ИЛОВАЛАРИНИНГ РУС ТИЛИДАГИ МАТНИ ГАЗЕТАНИНГ 41-42-СОНЛАРИДА БЕРИЛГАН**

2007 й
№ 11

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

# «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари





**«Health – 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье – 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**

*Қарор ва ижро*

***Ҳозирги вақтга келиб бутун дунёда, айниқса соғлиқни сақлаш тизимида бирламчи санитария ёрдамини кўрсатиш бўғинини шакллантириш вазифалари илғор тажрибалар асосида амалга ошириб келинмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-илмий янгилик борми, уни инсон саломатлигига татбиқ қилиш ва муайян мақсадлар йўлида фойдаланиш имконияти бугунги ислоҳот жараёнларида янада такомиллашиб бормоқда. Яқинда Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши ҳам бирламчи тиббий бўғин фаолиятини чуқурлаштиришга, замон талаблари даражасида яхшилаш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлиши билан бирга соҳада янги босқичдаги бошқарув ва молиялаштириш тизимининг олиб кирилиши, том маънода амалий фаолиятларнинг ифодаси ҳисобланади.***



# МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРУВНИНГ МАҚСАДЛИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Айниқса, «Саломатлик-1,2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» сингари қўшма лойиҳаларнинг изчиллик билан амалиётга жорий этилиши мамлакатда бирламчи бўғинни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечим топишига сабаб бўлмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Саломатлик-2» лойиҳаси «Саломатлик-1» лойиҳасидан фарқли равишда ўз вазифалари таркибига соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, бирламчи бўғинда бошқарув ва молиялаштириш тизимини жорий этиш, ижтимоий касалликларнинг олди олинишига эътиборни кучайтиришдек катта масъулиятни бирлаштиради. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли Қарори қабул қилиниб, жойларда бу йўналишга доир керакли лойиҳалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган эди. Даставвал, бу тизимнинг шаҳар модели ишлаб чиқилиб, унга экспериментал тариқасида Марғилон, Гулистон, Самарқанд ва Тошкент шаҳридаги поликлиникалар фаолияти олинди. Айни кунларда қишлоқ врачлик пунктларида ҳам молиялаштириш тизими ҳамда муассасада менежерлар тайёрлаб бериш вазифалари узил-кесил ҳал этиб борилмоқда. Ҳар бир ҚВП юридик мақомга эга бўлганидан сўнг, унинг фаолиятини бевосита менежерлар олиб бориши назарда тутилган ҳолда, жон бошига молиялаштириш ҳали ҳам айрим ҚВПларда давом эттирилмоқда.

**Шу маънода жорий йилнинг 24-25 октябрь кунлари Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг ташаббуси билан «Бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш (БТСЁК) муассасаларида жон бошига молиялаштириш ва бошқарув тизимини татбиқ этиш масалалари»га бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.**



Семинарни вазирликнинг иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳошимов кириш сўзи билан очиб, амалиётда молиялаштириш ва бошқарув тизимининг олиб борилиши, мавжуд иқтисодий муаммолар, уларнинг мақсадли ечими ва керакли тавсиялар хусусида гапириб ўтди. Шунингдек, эксперимент тариқасида жорий этилган ушбу тизимнинг муваффақиятли натижаларига алоҳида урғу берди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида олиб борилган мониторинг натижалари ва унга берилган баҳо тўғрисида маърузалар тингланиб, бюджет коэффициентларининг ҳисоб-китоби, кадрлар малакаси, моддий-техник базани ривожлантириш йўлларига қаратилган саволлар ўртага ташланиб, атрофлича муҳокама этилди. Ундан ташқари, янги молиялаштириш тизимининг ҳар чорак давомида мувофиқлаштирилиши, олинган ва сарф қилинган харажатлар, норматив ҳужжатларнинг меъёрий асослари, молиявий-иқтисодий аҳволни яхшилаш механизмлари, шунингдек, ғазначилик имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам айтарли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Иштирокчилар муассасада штат нормативлари билан боғлиқ масалаларни ҳам алоҳида эътироф этдилар. Бошқарув тизимини такомиллаштиришда эса менежерларни замон талаблари асосида тайёрлаш, уларга керакли шарт-шароитларни яратиб бериш, иш ҳақи миқдорини етарли даражада мувофиқлаштириш, муассасанинг молиявий маблағларини мақсадли йўналтиришга эришиш, ҳисоб-китоб ишларини амалдаги қонунлар доирасида амалга ошириш ишларига аҳамият берилди. Камчиликлар ўз ўрнида мутахассислар ҳамкорлигида ўрганиб чиқилиб, керакли тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, молиялаштириш ва бошқаришнинг афзаллик ва қулайликлари, бу борада етарли мутахассисларни тайёрлаш, муаммолар, эришилаётган ютуқлар, бу асосдаги янги тажрибаларнинг фаолиятга олиб кирилиши сингари вазифаларни кўриб чиқдилар, фикр-мулоҳазалардан сўнг, керакли хулосалар белгилаб олди.

Эътироф этиш керак, республикамизда бугун 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлса, улардаги бош мақсад бевосита инсон саломатлигига қаратилган ва йўналтирилган. Демак, қандай янгилик амалиётга жорий этилмасин, асосий эътибор ва масъулият кўпроқ соҳа ходимларининг касбий маҳоратларига бориб тақалади. Қувонарли томони, оғир шароитда меҳнат қилувчи тиббиёт ходимлари учун етарли шарт-шароит ва имкониятларнинг яратиб берилиши, аҳоли эҳтиёжи йўлида янги, замонавий қишлоқ врачлик пунктларининг ишга туширилиши, умумий амалиёт шифокорларининг тайёрланиши – буларнинг барчаси ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари қай даражада кетаётганлигидан далолатдир. Эндиликда, молиялаштириш ва бошқарув тизимига ўтиш жараёнида кечаётган баъзи бир муаммоларни ҳисобга олмасак, бундай масалалар аста-секинлик билан барқарорлашиб боришига эришиш мумкин. Лекин кези келганда айтиш керакки, молиялаштириш ишларини тўғри йўлга қўйган бир пайтда молия менежерларининг етишмаслиги ҳамда уларнинг билим савияси етарли даражада эмаслиги сезилмоқда. Тўғри, бунинг учун муайян вақт, фурсат керак бўлади. Айниқса, тиббиёт ислоҳотларини амалга ошириш мураккаб жараён. Лекин шунга қарамасдан, жойларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, фаолиятлардан бугун ҳар қанча гапирсак арзийди.

***Семинар давомида иштирокчиларнинг янги тизим ва унда қилинаётган ишлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.***

**(Давоми 5-6-бетларда).**




*Финансирование*

***В 1998 году Указом Президента была принята Государственная программа, которая определила принципиально новые подходы к построению системы здравоохранения, развитию ее инфраструктуры, направленной на создание равных условий получения первичной медицинской помощи, как в городской, так и сельской местности.***

***Учитывая то, что более половины населения Узбекистана проживает в сельской местности, наиболее важным направлением Государственной программы реформирования системы здравоохранения в Республике стало укрепление и развитие первичного звена здравоохранения, особенно на селе.***

# О ХОДЕ РЕАЛИЗАЦИИ РЕФОРМ ФИНАНСИРОВАНИЯ И УПРАВЛЕНИЯ СЕЛЬСКОЙ ПМСП

За годы независимости в соответствии с Государственной программой совершенствуется система финансирования отрасли.

В рамках реализации проекта "Здоровье-1" в системе первичной медико – санитарной помощи (в 520 СВП), в пяти регионах республики Ферганской, Сырдарьинской, Навоийской, Хорезмской областях и в Республике Каракалпакстан на протяжении 3-х лет апробирован и внедрен новый прогрессивный механизм финансирования учреждений первичного звена здравоохранения (ПЗЗ) по нормативам из расчета на одного жителя с учетом показателей здоровья населения в регионе ("подушевой" метод финансирования).

**Если до начала реформ, финансирование учреждений здравоохранения проводилось исходя из мощности учреждений, числа амбулаторных посещений или количества больничных коек в отрасли, что приводило к неоправданному наращиванию дорогостоящей больничной помощи и снижало развитие амбулаторных услуг, то внедрение новых методов финансирования, основанных на количестве и возрастной структуре обслуживаемого населения, объеме и видах медицинских услуг по единым нормативам затрат позволили:**

*– распределять равномерно бюджет СВП с учетом объема медицинской помощи, численности, возрастного состава населения и заболеваемости в регионе;*

*– самостоятельно распоряжаться бюджетом СВП, что позволило увеличить расходы на обслуживание женщин и детей, улучшение медикаментозного обеспечения, за счет рационализации и сокращения расходов на больничное звено;*

*– оптимизировать структуру учреждений здравоохранения.*

Сегодня положительный опыт проекта "Здоровье - 1", в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 217 от 28 сентября 2005 года "О мерах по дальнейшему реформированию системы финансирования и управления учреждений здравоохранения Республики Узбекистан", распространяется на все регионы республики в рамках проектов "Здоровье - 2" и "Укрепление здоровья женщин и детей", предусматривающих дальнейшее распространение на все СВП и на отдельные городские учреждения первичной медико-санитарной помощи метода финансирования, по нормативам затрат в расчете на одного прикрепленного жителя, оснащение СВП современным медицинским оборудованием и введение системы непрерывной подготовки врачей общей практики.

По итогам 2005 года число СВП, функционирующих в новых условиях финансирования по нормативам затрат на одного жителя, составило 736 СВП, в том числе по областям: Ферганской-273, Сырдарьинской-138, Хорезмской-96, Навоийской-149, Республике Каракалпакстан – 80 СВП.

Начиная с 2006 года, переведены на эти условия ещё 696 СВП, в том числе в Андижанской области 258 СВП, в Сурхандарьинской области 103 СВП, в Бухарской области 132 СВП, в Наманганской области 116 СВП.

В текущем 2007 году начато распространение нового механизма финансирования в Джизакской, Самаркандской, Ташкентской и Кашкадарьинской областях, завершение внедрения которых ожидается к концу 2008 года.

**Для неуклонного выполнения данного Постановления и в целях своевременного и качественного расширения подушевого финансирования и управления сельской ПМСП по всей стране, были изданы соответствующие нормативно-правовые документы Министерства здравоохранения и местных органов управления, в том числе:**

- *Приказ Минздрава № 484 от 4 октября 2005 г. во исполнение постановления Кабинета Министров "О мерах по дальнейшему реформированию системы финансирования и управления учреждений здравоохранения Республики Узбекистан";*
- *Приказ Минздрава № 498 от 10 октября 2005 г. "О системе подготовки и усовершенствования финансовых менеджеров учреждений ПМСП и специалистов финансово-экономического профиля сферы здравоохранения";*
- *Приказы и решения местных органов управления (областной Хокимият, Облздрав) о начале распространения подушевого финансирования и управления в областях;*
- *Приказы и распоряжения Министерства Здравоохранения о проведении ориентационных/технических семинаров для руководителей и специалистов органов здравоохранения и финансов областного/городского уровня по внедрению нового механизма в регионах распространения подушевого метода финансирования сельской ПМСП и расчету норматива затрат на одного жителя.*
- *При финансовой поддержке проекта "ЗдравПлюс" издан сборник нормативных документов по деятельности СВП для дальнейшего распространения на местах.*
- *Временные штатные нормативы сельского врачебного пункта, функционирующего в качестве самостоятельного юридического лица, утвержденные Министерством Здравоохранения и согласованные с Министерством труда, Министерством финансов (май 2006 год).*

В результате реструктуризации сети объектов сельского здравоохранения на сегодняшний день вместо взамен многочисленных медицинских учреждений на селе (ФАП, СВА, СУБ и др.) по республике организовано 3094 сельских врачебных пункта (СВП), деятельность которых основана на новом методе финансирования, исходя из количества и возрастной структуры обслуживаемого населения, объема и видов медицинских услуг по единым нормативам затрат. Все СВП оснащаются современным медицинским оборудованием в рамках проекта "Реформирования первичного звена здравоохранения".

В целях организации системного мониторинга эффективности, внедрения нового механизма финансирования и управления в сельских и городских учреждениях первичной медико-санитарной помощи в рамках проектов "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей", выявления проблем в процессе распространения реформ и принятия соответствующих мер по корректировке текущих планов, приказом Минздрава № 526 от 24 ноября 2006 года утверждены показатели оценки работы учреждений ПМСП в новых условиях финансирования и управления.

Вместе с тем для проведения мониторинга и оценки проекта составлен ряд индикаторов, основанных на показателях результатов проекта. Данные индикаторы разработаны специалистами СБРП совместно с рабочей группой из представителей Минздрава и других министерств и ведомств по мониторингу и оценке проектов МАР и АБР, сформированной при Минздраве. Для обеспечения регулярной информацией по индикаторам мониторинга и оценки проектов "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей" 29 декабря 2006 года издан приказ Министерства здравоохранения № 587, определяющий механизм сбора и обобщения данных по индикаторам мониторинга и оценки проектов. Получаемая информация по мониторингу реализации проектов чрезвычайно разнообразна, но однозначно демонстрирует возросший объем медицинских услуг СВП, что указывает на доверие населения к качеству услуг СВП. В результате проводимых реформ количество посещений на одного жителя в республике увеличилось с 7,2 в 1991 году до 8,3 в 2006 году. В пилотных регионах республики по сравнению с 1998 годом увеличилось количество посещений в СВП в 2 раза, снизилось количество направлений на консультацию к специалистам на 33,5%, госпитализацию в стационар на 26,8%. Произведено сокращение более 31% больничных учреждений, при этом сокращено 47% стационарных коек.

Вместе с тем имеются трудности, связанные с отсутствием практических навыков руководителей и финансовых менеджеров учреждений для работы в новых условиях финансирования, недостаточностью ресурсов (учебные базы, преподаватели, учебного оборудования и литературы) и опыта в системе здравоохранения по подготовке руководителей и финансовых менеджеров учреждений.

**Не во всех областях финансирование осуществляется в соответствии с Постановлением Кабинета Министров № 217 от 28 октября 2005 года и методикой расчета объема подушевого финансирования учреждения ПМСП, утвержденной приказом Минздрава № 484 от 04 октября 2005 года:**

*– финансовые органы выделяют средства с разбивкой по группам расходов;*

*– выделяемая средняя доля бюджета сельских ПМСП в бюджете здравоохранения области ниже фактической средней доли расходов на ПМСП, определенной в начале распространения;*

*– доля выделяемых средств на 4 группу низкая.*

**Опыт взаимодействия новых методов финансирования сельской и городской ПМСП с системой Казначейства выявил наличие некоторых моментов, противоречащих отдельным пунктам Постановления Кабинета Министров № 217 от 28 октября 2005 года, регламентирующего условия и правила внедрения подушевого финансирования, и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 276 от 21 декабря 2005 года "Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников" в части формирования Фонда материального стимулирования и развития медицинских учреждений.**

*– оплата расходов ПМСП производится Казначейством 2 раза: в начале месяца на 1,2 группу расходов и после 15 числа месяца на 4 группу расходов;*

*– сэкономленные средства учреждений ПМСП в некоторых районах изымаются финансовыми органами, а не направляются ежеквартально в Фонд материального стимулирования и развития медицинских учреждений;*

*– ограничение самостоятельности учреждений ПМСП в выборе поставщиков товаров и услуг;*

*– слабая осведомленность работников Казначейства о сущности реформ в здравоохранении.*

В целях решения вышеуказанных проблем, а также предупреждения возможных противоречий, Министерством здравоохранения начата совместная работа с Министерством финансов и Казначейством по созданию нормативно-правовых условий, поддерживающих внедрение новых методов финансирования и управления в учреждениях здравоохранения. Проводимое расширение реформ и введение новых финансовых подходов, требуют обучения современным навыкам управления (менеджменту), как специалистов экономических служб, так и руководителей учреждений первичного звена здравоохранения. Для осуществления хозяйственно-финансового управления юридически самостоятельного СВП или городской экспериментальной поликлиники, необходимо обеспечить учреждения ПМСП квалифицированными финансовыми менеджерами.

Для решения указанных проблем Минздравом принято решение о расширении сети учебных центров и совершенствовании учебных программ с включением дополнительных часов по менеджменту и финансированию учреждений здравоохранения. Вместе с тем Минздравом, Совместное бюро реализации проекта "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей" при техническом содействии проекта "ЗдравПлюс" проводятся семинары для руководителей и специалистов органов здравоохранения и финансов областного/городского/районного уровня по укреплению технических навыков местных специалистов, разъяснению и детализации основных принципов и условий подушевого финансирования и управления.

Кроме того, как в городских, так и в сельских учреждениях ПЗЗ, имеет место проблема низкой заработной платы финансовых менеджеров, и в связи с этим текучесть кадров. В настоящее время специалистами проводится работа по анализу тарифных разрядов финансовых менеджеров. По результатам исследования, предложения по оплате труда финансовых менеджеров с целью увеличения тарифных ставок будут направлены на рассмотрение в Министерство финансов и Министерство труда.

***В целом, исполнение Постановления Кабинета Министров проводится в соответствие с предусмотренным графиком. Мониторинг хода реализации реформ финансирования и управления сельской ПМСП дает основание считать, что выбранные направления проекта на первичные медицинские услуги в сельском здравоохранении оправданы, достигают результатов и целей проекта, соответствуют потребностям населения и здравоохранения.***

**Севил АБДУРАХИМОВА,**
**Специалист по финансированию, управлению и ИСУЗ СБРП "Здоровье – 2" и "Укрепление здоровья женщин и детей".**

Семинар

# ИСПОЛЬЗУЯ ВОЗМОЖНОСТИ

**Махмуд ОБИДОВ,**
**директор бюро реализации проектов "Здоровье-2" "Укрепление здоровья женщин и детей" Бухарской области.**

– На сегодняшний день в Бухарской области ведут свою деятельность 332 СВП, из которых 119 новопостроенных и 223 типовых, 90% из которых отвечают требованиям Мирового банка раз-



вития. Следует отметить, что для оказания качественной медицинской помощи населению ведут свою деятельность учреждения родовспоможения, лабораторные отделения, учебные и компьютерные центры, на оснащение которых задействованы 1,5 млрд. сум. К 132 из 332 СВП применяется система подушевого финансирования. По инициативе областного управления здравоохранения ведется активная работа по повышению квалификации медицинского персонала СВП. Специалисты проходят месячные циклы по кардиологии, фтизиатрии, хирургии, оториноларингологии, эндокринологии, акушерства и гинекологии, а также офтальмологии. Таким образом, семинар-совещание по вопросам хода реализации реформ подушевого финансирования и управления сельской ПМСП в действительности должен стать неким стимулом для дальнейшего совершенствования системы финансирования в здравоохранении.

## УЛУЧШЕНИЕ МАТЕРИАЛЬНОЙ – ТЕХНИЧЕСКОЙ БАЗЫ

**Шерзод РАХМАТОВ,**
**финансовый менеджер (Ферганская область).**

– В настоящее время за счет кредита, предоставленного Мировым банком развития, осуществляются масштабные дела по строительству и реконструкции, а также оснащению сельских врачебных пунктов современным медицинским оборудованием. Система подушевого финансирования сельских ПМСП играет важную роль в оздоровлении людей и оказании им качественной медицинской помощи. Весь бюджет, направленный на улучшение качества медицинских услуг, идет как на организацию СВП, так и на оснащение их лабораторным оборудованием и самыми необходимыми медикаментами. Слушая доклады наших коллег, складывается впечатление, что действительно сегодняшнее мероприятие актуально во всех



отношениях. Это и улучшение качества медицинских услуг и совершенствование системы финансирования, и, конечно же, повышение профессионализма работников систем финансирования и здравоохранения.

На мероприятии участниками были обсуждены все реализованные дела, а также были намечены планы на будущее. Это - упорядочение нормативных документов, улучшение материально-технической базы медучреждений. Известно то, что в этом важна роль финансовых менеджеров, к которым предъявляются большие требования.

Несомненно, мероприятие, проведенное сегодня это своеобразное обсуждение, обмен опытом и планирование на будущее.

Конечно, на реализацию запланированных дел потребуется время. И сегодняшнее мероприятие это старт во внедрении наших целей и планов в жизнь.

Ўзбекистон Республикаси · Халқаро тараққиёт уюшмаси · ADB Осиё тараққиёт банки · gain Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2007 й
№ 11

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm». Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС РУҲДА

**Бахыт АБДИМАНОВ,**
**«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш кўшма бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича директори.**

– Соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳар қандай янгиликни тўғри ва холисона қабул қилиш, ижтимоий тараққиёта кўшган ҳиссамиздан бири ҳисобланади. Биласиз, республикамиз экологик томондан ёрдамга муҳтож ҳудудлардан бири саналади. У ерда яшовчи аҳолини тиббий назоратга олиш, керак бўлганда шошилинч сифатли хизмат кўрсатиш зарурати ниҳоятда муҳим. Бу борада «Саломатлик-1, 2» лойиҳаларининг амалиётга олиб кирилиши ислоҳот жараёнларида асосий объект бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 165 та ҚВП мавжуд бўлса, шундан «Саломатлик-1» лойиҳаси бўйича 108 та ҚВП, қолган 60 таси «Саломатлик-2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» кўшма лойиҳалари кўмагида қурилиб, замонавий типда жиҳозланиб борилмоқда. Ундан ташқари, барча вилоятларимиз Осиё тараққиёт банкига кирган бўлиб, 14 та туман туғруқ мажмуалари, Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиалидаги шарт-шароитлар тўлиқ яхшиланиб, замонавий даволаш асбоб-ускуналари, ўқитиш жиҳозлари билан таъминланди. Эндиликда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, болаларни соғлом руҳда тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада экологик муҳит яхши бўлмасада, ҳар бир туғруқ ёшидаги ҳомиладор аёлларга, янги туғилган чақалоқларга кўрсатилаётган парваришлар, узлуксиз тиббий муолажалар доимий равишда кўрсатиб борилмоқда.



«Саломатлик-2» лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан бири, аҳолини жон бошига молиялаштириш ва бошқарув тизимини ташкил қилишдан иборатдир. Шунга кўра, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш баробарида замонавий менежерларни тайёрлаш ишлари ҳам изчиллик асосида олиб борилмоқда. Чунки, ҳар бир ҚВПмиз ўзининг юридик мақоми-ю, банкдаги ҳисоб рақамига эга. Баъзида ҳомийларнинг аҳоли саломатлиги йўлида бераётган кўмаклари ҳам муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланишига, ички камчиликларнинг бартараф этилишига яқиндан ёрдам беради. Лойиҳанинг яна бир мақсадли йўналиши бу – умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш. 210 нафардан ортиқ шифокоримиз 10 ойлик ўқув марказларида таҳсил олиб, умумий амалиёт шифокори деган номга сазовор бўлдилар. Шу йилнинг ўзида яна 40 нафари тиббиёт институтлари қошидаги ўқув курсларида таҳсил олишмоқда. Ҳозирги кунга қадар 67 нафар молия-менежерлари тайёрланиб, ҚВПларда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу имкониятлар нафақат тиббиёт ходимлари учун, балки узоқ ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун ҳам катта қулайлик туғдиради. Авваллари ҳар бир ҳисоб-китоб ишлари бевосита туман марказий шифохонаси таркибида олиб борилади. Оддий лаборатория текширувлари учун одамлар неча километр йўл босиб, шифохоналарга мурожаат этишарди. Айни пайтда эса, ана шу янги технологияларидан афзалликлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишиб, тиббиёт имкониятларидан унумли фойдаланаётганликлари ишларимиз бесамар кетмаётганидан далолат беради.

# РЕАЛИЗУЯ НОВИЗНУ В ЖИЗНЬ

**Равшан ЧОРИЕВ,**
**финансовый менеджер (Сурхандарьинская область).**

– На сегодняшнем семинаре-совещании по вопросам хода реализации реформ подушевого финансирования и управления сельской ПМСП активно обсуждается ход реализации подушевого финансирования в системе здравоохранения. Подушевое финансирование в нашей области началось с 1 января 2006 года. В то время оно составляло 47,3 % и в него входило 6 районов и один город. А в этом году это число составило 100 %, 14 районов и 1 город. В 2006 году общее количество СВП в нашей области составило 113, а к 2007 году общее количество СВП составило 239. К тому же при поддержке правительства на кредит, выделенный Мировым банком развития, ведутся строительные и реконструктивные работы по созданию новых СВП, главная цель которых - охрана здоровья населения. На сегодняшний день огромное внимание уделяется подушевому финансированию сельских ПМСП. Исходя из этого, общий бюджет на заработную плату составил 86 %, на лекарственные средства 4,6 % и 9,4 %. На сэкономленный бюджет была установлена телефонная и мобильная связь в 20 СВП.



В результативности труда особую роль играет мастерство, высококвалифицированного персонала, и с целью улучшения работы проводится круг мероприятий, как "Менеджерская игра" помогающая нам во всесторонней подготовке финансовых менеджеров.

**Итак, подводя итог сегодняшнему мероприятию, хотелось бы сказать, что оно результативно повлияет на дальнейшее развитие финансирования системы здравоохранения.**

(Продолжение на 6-й стр.)

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МАҚОЛАЛАР, ТУРЛИ ТАДБИРЛАРДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР СИЗНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ!

2007 й
№ 11

Ўзбекистон Республикаси | Халқаро тараққиёт уюшмаси | Осиё тараққиёт банки | Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

# УЮШҚОҚЛИК ЗАРУР

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**«Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш қўшма бюросининг Наманган вилояти бўйича директори.**

– Бу мустақиллигимизнинг шарофати бўлса керак, кейинги пайтларда давлатимиз томонидан халқ саломатлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бирламчи тиббий санитария ёрдамига бўлган эътибор бундан мустасно эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга

ойидан қолган қишлоқ врачлик пунктлари ҳам жон бошига молиялаштирилиб, юридик мақомга эга бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтишим кераккки, шаҳар миқёсидаги 8 та шаҳар врачлик пункти 2008 йил 1 январдан мазкур йўналиш бўйича фаолият бошлайди.

Кадрлар масаласига келадиган бўлсак, фаолиятдаги қишлоқ врачлик пунктларида 60 фоизга яқин умумий амалиёт шифокорлари меҳнат қилиб келишмоқда.

ошириш қўшма бюроси ҳамкорлигида олиб борилаётган ижобий ишлар республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаётган инсонлар соғлиги учун муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Дарҳақиқат, 2005 йилдан буён «Саломатлик-2» лойиҳаси дастури асосида олиб борила-

Ҳозирги кунда 23 нафар врач «Саломатлик-2» лойиҳаси дастурининг 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олмоқда. Шунингдек, ҳамшираларимиз ҳам лойиҳа доирасидаги ўқув курсларида иштирок этиб, тренер бўлишди. Ва айни пайтда вилоят, туман миқёсидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этилган ўқув хоналарида ҳамши-



ётган фаолиятлар аҳоли учун катта енгилликлар туғдирди. Айни кунда вилоятимизда 225 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шулардан 83 таси янги қурилган бўлса, 142 таси қайта таъмирдан чиқарилди. Мавжуд қишлоқ врачлик пунктлари 60 фоиз миқдорда лойиҳа томонидан тиббий асбоб-ускуналар ҳамда юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланган.

2006 йилда 116 та қишлоқ врачлик пунктимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 217-сонли Қарорига асосан босқичма-босқич молиялаштирилди. Бу борада, 6 та туманимиздаги қишлоқ врачлик пункти тажриба асосида олинди. Натижалар ўз маҳсулини бергач, жорий йилнинг январь

**(Охири. Боши 3, 5-бетларда).**

раларга дарс-машғулотларини олиб боришмоқда.

Бунинг баробарида қисқа ўқув курслари ташкил этилиб, лаборант ва эмлаш ҳамширалари ҳам ўқитилди. Қишлоқ врачлик пунктларида 111 нафар молия менежери фаолият юритмоқда. Улар ҳам ўз навбатида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида масофавий ўқитиш бўйича таҳсил олишди.

Вилоятимизда 2008 йилда «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, 14 та туғруқ мажмуаси лойиҳа дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилиши белгилаб олинган. Шу кунгача Учқўрғон, Норин, Уйчи, Янгиқўрғон, Поп, Чуст туманларидаги туғруқ муассасалари замон талаблари даражасида қайта таъмирдан чиқарилди. Қолган туманларда ҳам тезкорлик билан мазкур режа асосида ишлар олиб борилмоқда.

*Давр эътиборидаги вазифалар*

***Кейинги пайтларда тиббиёт тизими йўналишида янги услубий ёндашувлар асосида узлуксиз таълимни таъминлаш бугунги даврнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан, мазкур жараёндаги фаолиятлар билан танишиш мақсадида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти қошидаги умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедраси тингловчилари билан суҳбатда бўлдик.***

# ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК



**Жумамурод ХАЙТИМБЕТОВ,**
**Тошкент Тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ички касалликлар кафедраси ассистенти.**

– Кадрлар масаласига бўлаётган эътибор, тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг билим даражасини ошириш зарурлигини талаб этади. Айниқса, ўқув марказларининг ташкил этилиши ва хорижий мамлакатларга бориб, у ердаги ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш учун яратилган кенг имкониятлар айни пайтда ўз самарасини бермоқда. Шу сабабли мен ҳам олган билимларимни янада бойитиш ва касбий маҳоратимни ошириш мақсадида, жорий йилда академиямиз қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш 1-ўқув марказида ўн ойлик ўқув курсида ўқидим. Шу вақт ичида ўз касбининг моҳир усталари, яъни тажрибали мутахассислар томонидан ҳам амалий, ҳам назарий билим олишга эришдим. Шунингдек, ўқиш жараёнида «Оилавий поликлиника шароитида сурункали гепатит касаллиги билан оғриган беморларни кузатиш ва тиббий хизмат кўрсатиш» лойиҳаси устида иш олиб бордим ва муваффақиятли ҳимоя қилиб, сертификат олишга сазовор бўлдим.

Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ўз билимларимни янада бойитиш ва ҳамкасбларим билан тажриба алмашиш мақсадида Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедрасида ташкил этилган 24 кунлик ўқув циклида иштирок этаяпман. Ушбу ўқув циклимиз «Ўқитиш жараёнида янги технологик, яъни интерактив усулларни қўллаш ҳамда тренернинг яхши тарафлари, унинг ўқитиш жараёни усулларини ўрганиш» мавзусида олиб борилар экан, бунда талабаларга замон талаб этаётган янгича йўналишда дарс ўтиш жараёнлари бўйича сабоқ олмоқдамиз. Бу билан биз ўқитиш жараёнида самарали усуллардан фойдаланишни ўрганиб, педагогик маҳоратимизни янада оширамиз.

Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, билим савиямизни янада бойитишда ўзларининг самарали тажрибаларини ўргатаётган кафедра мудири Шароф Қосимов, Гулчеҳра Маҳкамова, Роҳатой Нурмуҳаммедова ва Дилбар Мавлонова каби устозларимга самимий миннатдорчилик билдириб қоламан.

**Инобат ХЎЖАНИЁЗОВА,**
**Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиали акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти.**

– 2000 йилдан буён мазкур кафедрада ассистент лавозимида фаолият кўрсатаман ва шу билан бирга Урганч шаҳридаги туғруқ мажмуасида ҳам ўриндош акушер-гинеколог сифатида иш олиб бораяпман.

Бугунги кунда республикамизда тиббиёт ходимларига бўлган талаб ва эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг касбий маҳорати ҳамда билим савияларини ошириш мақсадида кўплаб ўқув марказларининг очилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Тўғрисини айтсам, аҳа шундай илм даргоҳларида таҳсил олиш орзуси менда ҳам бўлган. Айни пайтда эзгу ниятларим аста-секинлик билан ижобат бўлмоқда.

Жумладан, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида бир гуруҳ ҳамкасбларим билан педагогик маҳоратимни ошириш учун ўқишга келганлигим ҳам юқоридаги фикримнинг ёрқин далилидир. Айни пайтда тажрибали мутахассислар бизларга «Мияга ҳужум», «Асалари уяси», «Демонстрация», «Роль ўйнаш» каби усулларни қўллаш бўйича дарс жараёнларини олиб бормоқда. Аслида мен ўз фаолиятим давомида ҳам шунга ўхшаш интерактив усллардан фойдаланганман. Айниқса, талабаларнинг чарчаган вақтида бундай усуллардан фойдаланиш, яъни турли хил қизиқарли ўйинлар асосида талабаларга дарс ўтиш, жуда қўл келади.

Шунингдек, биз яхши тренернинг вазифаларини ҳам мукаммал ўрганишга ҳаракат қилаяпмиз. Ахир яхши тренер аудиторияни ўзига жалб қила олиши, турли хил мазмундаги саволларга жавоб бериши ҳамда етук ва тажрибали мутахассис бўлиши лозим. Ана шундагина у бўлажак шифокорларга тиббиётнинг сир-асрорларини осон йўллар орқали, яъни олган билимлари, жумладан интерактив ўйинлар, мультимедиа, аудио ва видео тасмалар орқали ўргатадиган етук мутахассис-педагог бўла олади.

Ушбу билим даргоҳида 24 кун давомида олган назарий билимларимни, ўзим фаолият кўрсатаётган муассасада қўллайман. Бундай янгича усуллар халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда ва етук кадрлар етиштиришда ўз натижасини беради, деб ўйлайман. Бундан кейин ҳам ана шундай қизиқарли усуллардан фойдаланган ҳолда ўз иш фаолиятимни ва эзгу ниятларга эришиш учун ҳаракат қиламан.

*Саҳифалардаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.*

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
И.О. Исполнительного директора Максумов Джамшид Джалолович.
700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 68-08-19, 267-73-47.
Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz.com.uz.

Лойиҳа материалларини
**И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ, Х. РАББАНАЕВ ва И. ИЛҲОМОВА тайёрлашди.**



**Бизга мактублар йўлланг, биз билан яқин ҳамкорликда фаолият юритинг!**

*Фармон ва ижро*

# ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида асосий эътибор халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Айниқса, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш йўлида бир қатор қонун ва фармонлар қабул қилинаётганлиги фикримиз далилидир. Шу йилнинг 19 сентябрь куни Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва 2 октябрь куни «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Дарвоқе, мазкур ҳужжатлар келгусида элимиз соғлиги йўлида амалга ошириладиган ишларнинг ойдин йўлини кўрсатиб берди десак, янглишмаган бўламиз.***



Хўш, бу борада вилоятимиз тиббиёт ходимлари олдида турган вазифалар қандай? Мухбиримиз Наманган вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Ҳабибович Ваққосов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

**– Муҳаммаджон Ҳабибович, мазкур ҳужжат тўғрисида гапиришдан аввал Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимимни ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг вилоятимизда бажарилиши ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

– Дарҳақиқат, Президентимизнинг 1998 йилги Фармони мамлакатимизда тиббиётнинг ўзига хос моделини яратиш имконини берди. Аввало шуни айтиш керакки, вилоятимиз аҳолисига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг алоҳида тизими барпо этилди, яъни Наманган шаҳрида энг замонавий андозалар асосида таъмирланган ва жиҳозланган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиали ва барча туманларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Тизимга тез тиббий ёрдам ҳамда санитария ҳаво йўллари хизматлари бирлаштирилди. Бошқача қилиб айтганда, шошилинч ҳолатларда туманларда малакали бирламчи ёрдам ва вилоят марказида юқори малакали ихтисослашган ёрдам кўрсата оладиган марказ вужудга келди.

Фармонда тиббий хизматнинг бирламчи тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, фельдшер-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ участка шифохонаси, туман шифохонаси ва туман марказий шифохонасидан иборат 5 босқичли тизим ўрнига қишлоқ врачлик пункти ва туман марказий шифохонасидан иборат икки босқичли тизим яратилди.



Вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қад ростлади ёки режадаги 215 ўрнига 225 та қишлоқ врачлик пункти бунёд этилиб, бу масканларда ишлаш учун умумамалиёт врачлари жалб этилди. Яъни бемор арзимаган ҳолатлар бўйича туман марказий шифохонаси ёки вилоят марказига бориб даволанишдан халос бўлди. Шу ўринда бир гапни айтиш керак. Мамлакатимизда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли соғлигини сақлаш борасида олиб борилаётган йўналишлар ва қабул қилинган дастурлар туфайли ўтган давр мобайнида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали, унинг бўлимлари ҳамда ҚВПлар энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади. Мазкур тиббиёт муассасалари вилоят, туман ҳокимликлари ҳамда ҳомийлар ёрдами билан тўла таъмирланди. Ўтган давр мобайнида тиббиёт ходимларининг ойлик иш ҳақи 2,2 баробарга ўсганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг баробарида вилоятимиздаги кўп тармоқли шифохонанинг кардиохирургия бўлимида ҳам ноёб турдаги мураккаб операцияларни амалга оширилаётганлиги ҳам бундан мустасно эмас.

Бугунги кунда ислоҳот ислоҳот учун эмас, халқимиз сиҳат-саломатлиги учунлиги ўзининг аниқ исботини кўрсатди. Ёки эркакларнинг ўртача умр кўриши 1990 йилга нисбатан 67 ёшдан 2006 йилда 70 ёшга кўтарилди. Аёлларники эса 70 ёшдан 73 ёшга ўсди. Оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари кескин камайди. Халқимиз ўртасида учрайдиган чечак, вабо, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат каби ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликлар кейинги йилларда қайд қилинмади. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун вилоятда скрининг хизмати йўлга қўйилди.

**– Президентимизнинг яқинда қабул қилган Фармони ва Қарори ҳақида тўхталсангиз.**

– Мазкур икки ҳужжат тизимдаги ислоҳотларни янада кучайтириб, аҳоли соғлиги муҳофазаси йўлида истиқболли вазифаларни олдимизга қўйди. Ҳужжатда соғлиқни сақлашнинг вилоят ва туман бўғинларида профилактика ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Соғлиқни сақлашни бошқаришнинг янги такомиллаштирилган структураси тасдиқланди. Бунга кўра вазирлик ва унинг вилоят бошқармаларида асосий эътибор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, даволаш ва диагностиканинг ягона стандартларини жорий этишга қаратилган. Вилоят ва туман марказларида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий диагностика марказларини ташкил қилиш назарда тутилган.

Тизимдаги молиявий ҳолатни барқарорлаштириш учун вилоят ва туман молия муассасалари қошида тизимни молиялаштириш бўлимлари ёки шўъбалари ташкил қилинади. Бу эса раҳбарларни бевосита тиббий хизмат билан кўпроқ шуғулланишларига имкон яратади.

Вилоятларда энг замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланган ҳамда юқори малакали мутахассислар ишлайдиган вилоят кўп тармоқли, болалар, диагностика тиббий марказларини ташкил этиш ва бу марказларни таъмирлаш, қайта ташкиллаш ва жиҳозлаш учун 2008-2012 йиллардаги инвестиция дастурларига киритиш ҳамда халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар маблағлари ва грантлари ҳисобига мазкур ишларни амалга ошириш назарда тутилади. Шу мақсадда республика Молия вазирлигига энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминловчи ёки уларни узоқ муддатга ижарага берувчи лизинг компанияси ташкил этиш вазифаси юклатилди. Шу билан бир қаторда 2013 йилгача мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт муассасалари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган тиббиёт жиҳозларини олишда божхона тўловларидан озод қилинди.

Асосий диққат-эътибор мазкур марказларда кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада ошириш, бунинг учун ягона даволаш ва диагностика стандартлари жорий этишга қаратилмоқда. Бугунги кунда эса марказ учун барча услубий-амалий қўлланмалар яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш, ОИВ/ОИТСни олдини олиш ҳам асосий вазифамиздир. Фармонда қон хизматини қайта ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қон ва унинг препаратлари хавфсизлигини таъминлаш бош вазифа этиб белгиланди. Ёки қон ва унинг препаратлари орқали юқиши мумкин бўлган ОИТС, вирусли гепатит ва бошқа касалликларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги вазифалар устувор этиб белгиланди. Биринчидан донорлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлган ягона донорлик маркази ташкил қилиш, яъни ҳар бир қон топширувчи шахс ҳақидаги ахборотни ягона компьютер тизими орқали қисқа муддат ичида узатиш ва қабул қилиб олиш, иккинчидан 2008 йил 1 январдан қон хизматида фойдаланиладиган тиббий жиҳозларни тасдиқланган рўйхат асосида тўлиқ бир марталик бўлиши таъминланади. Учинчидан эса 2008-2012 йилларда вилоят қон қуйиш, ОИТС марказларини бюджет ва халқаро грантлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш назарда тутилади.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларига айланган. Фармонда аёллар ва болалар соғлигини сақлаш, бўлғуси оналар доимо соғлом бўлиши учун назоратни кучайтириш, скрининг марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техник базасини, айниқса, қишлоқ жойларида янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳим вазифа этиб белгиланган. Бундан кўзланган мақсад, тумандаги тиббий хизматни ягона тизимга бўйсундиришдир. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт муассасаларида тиббий хизматни ягона диагностика ва даволаш стандартлари асосида ташкил қилиш ва бирламчи тизимдаги асосий эътиборни амбулатор-поликлиника хизматига йўналтиришдир. Бошқача қилиб айтганда, ўзини оқламаётган кам қувватли кичик шифохоналар туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ёки қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилиб, уларда тиббий хизмат сифатини яхшилашга ҳаракат қилинади.

Шунингдек, аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди. Эътиборли томони шундаки, бундай тиббиёт муассасалари товарлар ва сотиш ҳажмларидан ташқари даромадларни бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, беш йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилишидир. Эндиликда пуллик хизмат кўрсатувчи шифохоналар тежаб қолган маблағлари ҳисобидан қўшимча тиббий асбоб-ускуналар, техникалар сотиб олиш имкониятга эга бўлишди.



Фармон ва қарор асосида хусусий поликлиникалар, шифохоналар ҳам соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бирлашмаларининг ташкилий ва услубий раҳбарлигида фаолият юритади. Улар тиббий хизматга доир қабул қилинадиган барча меъёрий ҳужжатларни бажарилишини таъминлайдилар.

**Президентимизнинг мазкур Фармони ва Қарори халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир катта қадам бўлди. Шундай экан, биз шифокорлар бор билим ва маҳоратимиз, тажрибамизни ишга солиб, Давлат дастурининг тўла ва изчил бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилаверамиз.**

**Суҳбатдош: Раҳматилла УСМОНОВ.**

***Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.***

O`zbekistonda sog`liqni saqlash

№ 44 (560)
2007 йил 30 октябрь

*Для здоровья детей*

# ЗАБОТА О ПОДРАСТАЮЩЕМ ПОКОЛЕНИИ

**Утром 23 октября гостиница Dedeman была полна зарубежных гостей, а также представителей медицинских организаций Республики Узбекистан. Всех присутствующих объединила одна общая цель – обсуждение вопросов кормления детей грудного и раннего возрастов. Мероприятие было открыто заместителем министра здравоохранения А. Камиловым.**



Питание является источником жизненных сил человека, механизмом, побуждающим людей вести активный образ жизни, быть полными энергии и сил. В детском возрасте процесс питания является еще более важным, так как именно в этот период закладываются основы будущего физического развития. От того, насколько хорошо ребенок питался в грудном возрасте, какие витамины и полезные вещества он получал вместе с пищей, зависит его состояние во взрослом возрасте.

Во всем мире проблема кормления детей вышла на глобальный уровень. В связи с этим была создана Глобальная стратегия по кормлению детей грудного возраста. Создатели данной стратегии попытались подобрать тот путь кормления детей, который подошел бы каждому ребенку и его матери. На семинаре, проходившем в эти дни в Узбекистане, обсуждались результаты работы Глобальной стратегии, достижения в ее деятельности за период существования. Своими соображениями по этому поводу поделилась представитель штаб-квартиры ВОЗ, Мерседес де Онис:

– Нормы роста, использующиеся в Узбекистане на сегодняшний день, к сожалению, не являются надлежащими, достоверными. Целью данной конференции является внедрение новых норм роста детей, которые были организованы Всемирной организацией здравоохранения. Мы надеемся, что по завершении данной конференции все наши участники поймут, каким образом необходимо применять те нормы и стандарты роста, которые были приняты данной организацией. Мне кажется, что самая главная часть нашего семинара – внедрение тех инструментов, которые позволят должным образом применять стандарты роста детей как в Узбекистане, так и во всем мире.

Действительно, проблема питания детей является очень важной. Ведь очень трудно вырастить ребенка здоровым, сильным, полным физических сил. Люди, создавшие Глобальную стратегию по кормлению детей, и совершенствующие ее, оказывают неоценимую помощь всем детям и их матерям, за что мы их сердечно благодарим.

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

*Эътироф*

# ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ ИНСОН



**Ибрагим Бозорович Худойбердиев деҳқон оиласида тарбия топганлиги учун илк меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» ширкат хўжалигида қурилиш бригадасидан бошлайди. Билимга бўлган ташналик Ибрагим Худойбердиевни 1966 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетига етаклаб боради.**

Тиришқоқ, талабчан, изланувчан талаба курсдошлари орасида ўзининг билимдонлиги ва зукколиги билан ажралиб турарди. У 1972 йилда институтни аъло баҳолар билан тугатиб, шу йили Сурхондарё вилоят Санитария-эпидемиология станциясининг озиқ-овқат гигиенаси бўлинмасида фаолият бошлади. Ўз ишини сидқидилдан бажарган Ибрагим Бозорович жамоа орасида тезда обрў-эътибор қозонди. Ва мазкур станцияда дезинфекция бўлими мудирлигига тавсия этилади. Шу йиллар давомида халқнинг саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилган камтарин инсон 1974 йилдан бошлаб, вилоят хўжалик ҳисобидаги профилактик дезинфекция станциясига бош врач этиб тайинланади. Касбининг сир-асрорларини тушуниб етган Ибрагим Худойбердиев вилоятда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва тарқаб кетишига йўл қўймаслик масалаларига катта эътибор билан қаради.

Таъкидлаш жоизки, тинибтинчимас шифокор вилоятда 7 та хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциясида юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация тадбирларини мунтазам ўтказиб келди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида бевосита вилоятнинг 6 та туманида хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари ташкил этилди. Тажрибали шифокорнинг саъйҳаракатлари билан ўтказилган профилактик дезинфекция тадбирлари сифатли олиб борилганлиги ва хўжалик ҳисобидаги дезинфекция хизмати ҳужжатларини юритиш яхши йўлга қўйилганлиги учун республика дезинфекция станциясининг буйруғи билан вилоят дезинфекция станцияси «Илғор тажриба мактаби» қилинди. Бундай мактабнинг ташкил этилганлиги биргина сурхондарёлик врач-эпидемиологлар учун эмас, балки республика вилоятларидаги соҳа мутахассислари фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Улар ушбу муассасада бўлиб, амалий кўникмаларини бойитиб, тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Бутун умрини тиббиётга бахшида этган самимий инсон ҳамон юқорида тилга олинган муассасада фаолият юритиб, севимли касбидан доимий фахрланиб келади. Ҳа, тажрибали, фидойи инсон Ибрагим Бозорович ўзининг ҳалол меҳнати эвазига «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган.

Устозимиз айни кунда фаолиятда бўлсада, халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилишдан чарчамайди.

**Сурхондарё вилояти санитария-эпидемиология назорати хизмати жамоаси.**

*Тадбир*

***Жорий йилнинг 23 октябрь куни «Экосан» халқаро ташкилотининг мажлислар залида «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 2-босқичи якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган 3-босқичнинг мақсади ҳамда вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Йиғилишни «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси раиси, «Экосан» халқаро ташкилоти раҳбари Ю. Шодиметов кириш сўзи билан очиб, мазкур йилнинг шу бугунги кунига қадар амалга оширган ишлари, яъни ўтказилган тадбирлар, кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамлари ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган спорт мусобақаларининг амалдаги натижалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 3-босқич тадбирлари дастури тасдиқланганлиги ва бу борада ҳамкорлик асосида турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиши келишиб олинди.

**Холмурод РАББАНАЕВ.**

# ЭЪЛОН

**Хурматли Тошкент Тиббиёт академияси (эски ТошДавТИ)нинг иккинчи даволаш факультетини 1985 йилда битирган талабалар!**

Сизларни 2007 йил 3 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган 22 йиллик тантана кечасига таклиф этамиз.

Дийдор учрашувимиз мазкур даргоҳнинг ректорат биносида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 330-41-76, 340-27-27, 156-51-27.**

**Ташкилотчилар: И. ҲАМДАМОВ, М. УСМОНОВ, Ш. ҒАНИЕВ.**

**Газета муассиси:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**

**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

Таҳрир ҳайъати раиси: Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир ҳайъати аъзолари: Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.

**Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.**

**Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.**

**Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**

**Адади 4582 нусха. Буюртма Г-950.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.**

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**

**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 21.35.

1 2 3 4 5



**Электрон манзилимиз орқали хатлар йўлланг: uzss@inbox.ru**